

МЧЖ « НІМОУА-FAIR »
аудиторлик ташкилоти

«Farg'onaazot» акциядорлик жамиятининг
2023 йил якуни молиявий ҳисоботларини
текшириш натижаси бўйича

А у д и т о р л и к ҳ и с о б о т и

2024 йил

*O'zbekiston Respublikasi, Farg'ona viloyati, Farg'ona shahri, B.Marg'iloniy ko'chasi, 70-uy 18-xonadon, X/r:
20208000705410835001, INN: 308636111, MFO: 01131, Universal bank Farg'ona filiali, Telefon: +99893-244-55-58,
+99893-980-5575.*

МУСТАҚИЛ АУДИТОРЛИК ХУЛОСАСИ

«Farg'onaazot» акциядорлик жамиятининг
рахбарияти ва бошқарувиغا.
Манзил: Фарғона шаҳар, Саноат кўчаси 222 уй.

Молиявий ҳисобот аудит натижалари бўйича хулоса

Изоҳли Фикр;

Биз, «Farg'onaazot» акциядорлик жамиятининг Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартларига мувофиқ 2023 йил 31 декабрь ҳолатига тузилган бухгалтерия баланси, молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот, хусусий капитал тўғрисидаги ҳисобот, пул оқимлари тўғрисидаги ҳисобот ва бошқа изоҳловчи маълумотлардан иборат бўлган илова қилинаётган молиявий ҳисоботлари аудитини ўтказдик.

Бизнинг фикримизча, изоҳлар билан фикр учун асос бўлимида ифодаланаётган тавсифланган жиҳатнинг таъсиридан ташқари, молиявий ҳисоботлар «Farg'onaazot» акциядорлик жамиятининг 2023 йил 31 декабрга бўлган молиявий ҳолатини, унинг 2023 йилдаги молиявий натижаларини ва пул оқимларини қонунчиликка мувофиқ, барча муҳим жиҳатлари бўйича ҳаққоний ақс этади.

Изоҳлар билан фикр билдириш учун асослар;

Биз аудитни Аудитнинг ҳалқаро стандартларига (АҲС) мувофиқ ўтказдик. Бизнинг ушбу стандартлар бўйича жавобгарлигимиз ушбу хулосанинг “Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги” бўлимида батафсил ёритилган. Мазкур стандартлар бизга ахлоқий талабларни бажариш, шунингдек аудитни молиявий ҳисоботларда муҳим бузиб кўрсатишлар мавжуд эмаслигига оқилона ишонч билдиришни таъминлайдиган тарзда режалаштириш ва ўтказиш мажбуриятини юклайди.

Жамиятнинг молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботида ақс эттирилган кўрсаткичлар жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича тақдим қилинган бухгалтерия бирламичи ҳужжатлари, ва солиқ ҳисоботларида ақс эттирилган кўрсаткичлар билан фарқ қилиниши аниқланган. Мазкур ноаниқликларни бартараф этиш бўйича тегишли аудит ҳисоботида тавсиялар берилди. Жамият бошқарувиغا аудит ҳисоботидаги тузатишлар инobatга олиниши юзасидан тақлиф киритилди. Молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларни қабул қилишда юқоридаги тузатишлардан кейинги ҳолатни инobatга олишлари лозим.

Фикримизча, биз томонимиздан аудиторлик текшириши учун олинган аудиторлик далиллари фикримиз учун асос бўлиши учун етарли ва мос келади.

Аудитнинг муҳим масалалари;

Аудитнинг муҳим масалалари- ушбу масалалар, бизнинг профессионал мулоҳазамиздан келиб чиққан ҳолда жорий давр учун молиявий ҳисоботни текшириш учун энг муҳим бўлган масалалардир. Ушбу масалалар молиявий ҳисобот аудитида кўриб чиқилган ва биз ушбу масалалар бўйича жамиятнинг соф активлари қийматини тузатишлардан кейинги ҳолатни инobatга олиб баҳоланиши лозим деб фикр билдирдик.

Бошқа маълумотлар;

Бошқа маълумотлар учун раҳбарият жавобгардир. Бизнинг молиявий ҳисоботлар ҳақидаги фикримиз бошқа маълумотларга тааллуқли эмас ва биз ушбу маълумотлар бўйича ҳеч қандай ишончли хулосасини билдирмаймиз.

Молиявий ҳисобот аудитимиз билан боғлиқ ҳолда, бизнинг жавобгарлигимиз бошқа маълумотларни билан танишиш ва шу билан бирга, бошқа маълумотлар ва молиявий ҳисоботлар ўртасида жиддий номутоносибликлар бор-йўқлиги аудит давомида олинган билимларимиз ёки бошқа маълумотларни кўриб чиқишдир. Агар биз бажарган ишларга асосланиб бундай бошқа маълумотлар жиддий нотўғри маълумотларни ўз ичига олади деган хулоса келсак биз бу фикрни хабар қилишимиз керак.

Бизнинг хулосамизда акс эттириш лозим бўлган ҳолатни аниқламадик.

Молиявий ҳисобот учун раҳбарият ёки бошқарув жавобгарлиги;

«Farg'onaazot» акциядорлик жамиятининг мазкур молиявий ҳисоботни қонунчиликка мувофиқ тайёрлаш, шунингдек жамият раҳбарияти фирибгарлик ёки хато туфайли юзага келган муҳим бузиб кўрсатишлардан ҳоли молиявий ҳисоботларни тайёрлаш учун зарур деб ҳисоблайдиган ички назорат тизимини таъминлаш учун жавобгар бўлади.

Аудиторнинг молиявий ҳисоботни текшируви бўйича жавобгарлиги;

Бизнинг мақсадимиз молиявий ҳисоботлар фирибгарлик ва хатолик туфайли бўладиган жиддий нотўғри кўрсаткичлардан ҳоли эканлигига ишонч ҳосил қилиш, ҳамда аудиторлик фикрини аудиторлик хулосасида акс эттириш. Аудитнинг халқаро стандартларига мувофиқ ўтказилган аудит ҳар доим ҳам мавжуд жиддий хатоликларни аниқлай олишга қафолат эмас. Фирибгарлик ёки хатолик туфайли бузиб кўрсатишлар юзага келиши мумкин, ушбу бузиб кўрсатишлар ягона ёки жами бўлиб молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар иқтисодий қарорларига таъсир қилиши мумкин бўлса, муҳим ҳисобланади.

Аудит молиявий ҳисоботдаги суммалар ва ошқораликларга оид аудиторлик далилларини олиш учун аудиторлик процедураларини бажаришни ўз ичига олади. Аудиторлик процедураларини танлаш бизнинг фикримизга боғлиқ бўлиб, у фирибгарлик ёки хато туфайли молиявий ҳисоботнинг жиддий нотўғри кўрсатилиши хавфини баҳолашга асосланади. Ушбу хавфни баҳолаш жараёнида биз топшириқ учун тегишли аудит процедураларини танлаш учун ишончли молиявий ҳисоботларни тайёрлашни таъминлайдиган ички назорат тизимини кўриб чиқдик. Аудит, шунингдек, қўлланилган ҳисоб сиёсатининг мақсадга мувофиқлигини ва текширилаётган корхона раҳбарияти томонидан олинган баҳоларнинг асослилигини баҳолашни, шунингдек, умуман молиявий ҳисобот тақдимотини баҳолашни ўз ичига олади.

Биз, шунингдек, корпоратив бошқарув учун масъул шахслар аудитнинг мустақиллигига тегишли барча ахлоқий талабларга риоя қилинганлиги тўғрисида баёнот берамиз ва ушбу шахсларга аудитнинг мустақиллигига таъсир қилиши мумкин бўлган барча муносабат ва масалалар тўғрисида хабар берамиз.

МЧЖ «НИМОҲА-FAIR»

Аудиторлик ташкилоти раҳбари:

(Аудитор малака сертификати
14.10.2021 йилда №05754)

Аудитори: Д.Мамажонов
(Аудитор малака сертификати
20.11.2022 йилда №06134)

Солиқ маслаҳатчиси Б.Нищонов

Манзили: Фарғона шаҳар
Б.Марғилоний кўчаси 70/18
10.04.2020 йил.

Ш.Хатамов

Хулоса рақами №13
04.03.2024 йил

Ўзбекистон Республикаси «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 8-моддасига асосан аудиторлик ҳисоботи махфий ҳисобланади ва ошкор қилиш мумкин эмас, ушбу ахборотдан фойдаланган шахслар ахборотни ошкор қилганликлари учун қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликка тортилади.

**«Farg'onaazot» акциядорлик жамиятининг
бошқарувраисига.**

**«Farg'onaazot» акциядорлик жамиятининг 2023 йил якуни
молиявий ҳисоботларини текшириш бўйича тузилган**

АУДИТОРЛИК ҲИСОБОТИ.

04 март 2024 йил.

Фарғона шаҳри

I. Кириш қисми.

- Хужжатнинг номи «Farg'onaazot» АЖни 31 декабр 2023 йил ҳолатига тузилган молиявий ҳисоботлар аудити.
- Аудиторлик ташкилоти номи ва унинг юридик манзили МЧЖ “НИМОҲА-FAIR” аудиторлик ташкилоти, Фарғона шаҳри, Б.Марғилоний кўчаси 70\18-уй,Тел.(73) 224-55-58,(93) 980-55-75.
- Давлат рўйхатидан ўтказилганлиги рақами ва санаси Давлат хизматлари маркази томонидан 30.06.2021 йилда 1009498-сонли рақам билан рўйхатдан ўтказилган.
- Аудиторлик ташкилотини реестрга киритган орган, реестрга киритилган санаси ва рақами Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун 11.08.2021 йилда 75-сонли рақам билан реестрга киритилган.
- Аудиторлик текширувини ўтказиш учун асос буладиган хужжат 2024 йил 02 февраль куни тузилган 13-сонли шартнома.
- Аудиторлик текширувини ўтказиш санаси Бошланган вақти 20 февраль 2024 йил
Тугатилган вақти 04 март 2024 йил
- Текширишда иштирок этган аудиторлар ва солиқ маслаҳатчилар исми, фамилияси Аудитор ва солиқ маслаҳатчи:
Ш.Хатамов: 14.10.2021 йилдаги Аудиторлик малака сертификати № 05754.
Д.Мамажонов: 20.11.2022 йилдаги Аудиторлик малака сертификати №06134
Б.Нишонов : Солиқ маслаҳатчининг малака сертификати 31.07.2015 йилда №000123

Рахбар

Аудитор

1

Текшириш ўзаро тузилган шартнома асосида, бошқарув раиси Д.Маннонов хабардорлигида ҳамда бош ҳисобчи Х.Ҳайдаров иштирокида ўтказилди.

Аудиторлик ҳисоботи хўжалик субъектининг бошқарувчисига, мулкдорларига, иштирокчиларининг умумий йиғилишига тақдим этилувчи ва бухгалтерия ҳисобидаги камчиликлар ҳамда аудиторлик текширувини олиб боришда олинган бошқа маълумотларни акс эттирувчи ва аудиторлик хулосасини тузишда асос бўлувчи ҳужжатдир.

Аудит текширувига тақдим қилинган, молиявий ҳисоботни тўғрилигига хўжалик субъекти раҳбарияти жавобгардир.

Аудиторлик ташкилоти эса ушбу молиявий ҳисоботбўйича бериладиган хулосасига жавобгардир.

Аудиторлик текшируви 30.08.1996 йилдаги № 291-1 сонли Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун ва «Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари»га, «Аудитнинг халқаро стандартлари»га ва жамият бўйича тўпланган маълумотларга асосланган ҳолда ўтказилди.

Жамият фаолиятини бўйича маълумот.

«Farg'onaazot» акциядорлик жамияти кейинги ўринларда «Жамият» деб номланади. Жамият Низомини 17.02.1995 йилда давлат рўйхатидан ўтказилган, ҳамда «Farg'onaazot» акционерлик жамиятини акциядорлар умумий йиғилишининг қарори билан тасдиқланган.

Солиқ тўловчи сифатида Фарғона шаҳар Давлат солиқ инспекциясида рўйхатга олинб, 200202240-сонли идентификация рақами берилган.

Жамият Фарғона шаҳар статистика бўлимида рўйхатга олинб, 20151-сонли “Ўғитлар ишлаб чиқариш” тармоқ коди билан иш фаолиятини юритиб келмоқда.

Жамият манзили: Фарғона вилояти, Фарғона шаҳри Саноат кўчаси 222-уйда жойлашган, телефони (873) 242-59-95, (73) 222-20-02, (73) 222-65-70, (98) 575-95-07.

Жамиятнинг устав капиталининг миқдори.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023-йил 27-июлдаги «Farg'onaazot» акциядорлик жамиятида мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш ҳамда ички ва ташқи бозорда талаб юқори бўлган махсулотлар ишлаб чиқаришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-242-сонли қарори ҳамда Давлат активларини бошқариш агентлигига тегишли бўлган «Farg'onaazot» АЖдаги 32 670 483 дона (99,02 %) оддий акциялари 2023-йил 19-майдаги олди-сотди шарномаси тузилган.

Давлат активларини бошқариш агентлиги ва “Indorama Petchem” В.В. компанияси билан 2023-йил 19-майда тузилган олди-сотди шарномаси Қимматли қоғозлар марказий депозитарийсида 2023-йил 2-ноябрда 312/883-сон билан рўйхатга олинган. 2023 йил 29 ноябрда “Indorama Petchem” В.В.нинг депо ҳисоб варағига қимматли қоғозларни (акцияларни) ўтказилган.

Жамиятнинг устав капитали акциядорлар олган жамият акцияларининг номинал қийматидан ташкил топади. Акцияларнинг номинал қиймати 2530 сўм

Жамиятнинг устав капитали 83 472 914 910 (Саксон уч миллиард тўрт юз етмиш икки миллион тўққиз юз ўн тўрт минг тўққиз юз ўн) сўмни ташкил қилади.

“Indorama Petchem” В.В. компанияси 99,02 %

Юридик ва жисмоний шахслар улуши 0,98 %

Жамият томонидан чиқарилган ва муомиладаги акцияларининг умумий сони 32 993 247
дона.Шундан: Имтиёзли акциялар сони 322 764

Оддий акциялар сони 32 670 483

Жамият фаолиятининг асосий йўналишлари ва мақсади.

Жамият тижорат ташкилоти бўлиб, унинг асосий мақсади молиявий-хўжалик фаолиятдан фойда олишдир. Белгиланган мақсадларини амалга ошириш учун фаолиятининг предмети (асосий йўналишлари) қўйидагилардан иборат бўлади:

- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ташки иктисодий фаолиятни амалга ошириш;
- ўз товар ва хизматларига нархларни, харид қилиш ва сотиш шартларини мустақил белгилаш (монопол маҳсулот реестрига киритилган ва нархларни тартибга солиш органи томонидан декларацияланиши лозим бўлган маҳсулот бундан мустасно);
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида мустақил равишда ёки воситачилар орқали улгуржи ва чакана савдони амалга ошириш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида товар ва мол-мулкнинг барча (моддий ва номоддий, кўчмас ва кучадиган) турларини ишлаб чиқариш, қайта ишлаш, қуриш, қўлга киритиш, улар юзасидан битимлар тузиш, ижарага олиш ёки бошқа тарзда қўлга киритиш ваёки юқорида кўрсатилган мол-мулкни ижарага бериш, гаровга қўйиш, ундан фойдаланиш ҳуқуқини бошқа шахсларга бериш ёки исталган бошқа тарзда уни тасарруф қилиш;
- Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ва ундан ташқарида исталган шахслар билан мустақил тарзда битим ва келишувларни тузиш, тижорат ва хўжалик фаолияти билан шуғулланиш ҳамда зиммасига мажбуриятлар олиш....;
- савдо ва савдо-воситачилик, жумладан экспортга йуналтирилган фаолиятни амалга ошириш; Ўзбекистон Республикасида ва ундан ташқарида Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига мувофиқ ҳам маҳаллий, ҳам хорижий таянч валютада товар (хизмат)ларни харид қилиш сотиш.

2.2 Жамият асосий мақсадига эришиш учун фаолият ва хизмат кўрсатишнинг қўйидаги турларини амалга оширади:

- минерал ўғитлар, дефолиантлар, ацетат ҳамда полиамид толалар, органик ва ноорганик кимё маҳсулотлари ва уларни ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлган ярим ва тайёр маҳсулотлар, халқ истеъмоли моллари ва бошқа маҳсулотларни ишлаб чиқаради;
- қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ишлаб-чиқариш ва сотиш, шу жумладан давлат эҳтиёжлари учун;
- темир йўл транспорти орқали юкларни ташиш, мавжуд бўлган автомобил, транспорт воситалари билан юк, йўловчиларни ташиш ва хизмат кўрсатиш;
- жамият ишлаб чиқаришни техник ва технологик жиҳатдан қайта таъминлаш мақсадида турли шаклдаги халқаро ҳамкорликларда қатнашади ва жамият экспорт базасини ривожлантиради...;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида тақиқланмаган бошқа фаолият турлари билан шуғулланишга ҳуқуқлидир.

Жамият қонунчилиқда белгиланган бошқа фаолият турларини ўрнатилган тартибда амалга ошириши мумкин.

II. Тахлилий қисми.

Аудиторлик текшируви ўтказиш даврида Молиявий хисоботни тўлиқ ва ҳаққонийлигини аниқлашда бухгалтерия ҳисобини тўғри юритилишига кўйидаги ҳужжатлар асос қилиб олинди.

- Ўзбекистон Республикаси «Бухгалтерия ҳисоби» тўғрисидаги Қонуни.
- Ўзбекистон Республикаси Бухгалтерия Ҳисобини Миллий стандартлари
- Аудиторнинг халқаро стандартлари. (АҲС-ISA)
- Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (янги таҳрирдаги).
- Ўзбекистон Республикаси хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини юритишни тартибга солиш тўғрисидаги бошқа норматив ҳуқуқий актлар асосида кўриб чиқилди.

Аудиторлик текширувида жамиятнинг бухгалтерия ҳужжатларидан ва кўйидаги маълумотлар манбасидан фойдаланилди.

1. Жамиятнинг 2023 йил молиявий хисоботлари.
2. Бухгалтерия ҳисобини синтетик ва аналитик хисоботлар реестрлари.
3. Жамият томонидан 2023 йил якуни бўйича Давлат солиқ органларига тақдим қилинган молиявий хисоботлари, солиқ хисоботлари.
4. Жамиятнинг баёнлари, буйруқлар, бошқа ички нормативларидан ва бошқа дастлабки бухгалтерия ҳужжатлари.
5. Жамиятнинг 1С (8.3) бухгалтерия дастури маълумотлари.

Биз ҳисоблаймизки, олинган молиявий маълумотлар ҳажми, қўлланилган текшириш усули аудиторлик хулосасини беришга етарли бўла олади.

Ички назорат, ҳисоб сиёсати ва бухгалтерия ҳисоби ҳолатини текшириш натижалари бўйича.

Аудит текширув давомида жамиятнинг ички назорати аудиторнинг халқаро стандартига (265-АХС) асосан кўриб чиқилди. Жамиятнинг ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисида ўз фикримизни билдириш учун эмас, балки вазиятга мос келадиган аудиторлик тартиб-таомилларини ишлаб чиқиш мақсадида, аудитор тадбиркорлик субъекти ўз молиявий ҳисоботларини тайёрлаши ва ҳаққоний тақдим этиши билан боғлиқ бўлган ички назорат тизимини кўриб чиқди.

Бухгалтерия ҳисобини гуруҳларга ажратиш ва хўжалик фаолияти фактларига баҳо бериш, активлар қийматини тўлаш, ҳужжатлар айланмасини, мол-мулкни рўйхатга олишни ташкил этиш усуллари, бухгалтерия ҳисобида хисоботларни қўлланиш усуллари, ҳисоб регистрлари тизими, ахборотларни ишлаб чиқиш ва ўзга тегишли усуллар, услубиятлар бухгалтерия ҳисобини юритиш усуллари акс эттирилади. Биз молиявий хисоботлар, унинг тузилиши ва таркибини, шу жумладан маълумотларнинг ошқор қилиниши ва молиявий хисобот асосий операциялар ҳамда ҳодисаларни ишончли тарзда тақдим этади деб баҳолаймиз.

Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги қонуннинг 10-моддасига мувофиқ жамиятда икки ёқлама ёзув қондасига риоя этилган. Жамиятда 2023 йил бухгалтерия ҳисоби «1С» бухгалтерия юритиш дастурида юритилган.

Жамиятда, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2002 йил 23 октябрда 1181-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлигининг 2002 йил

9 сентябрдаги 103-сонли буйруғига асосан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси бухгалтерия ҳисоби Миллий стандарти (21-сон БХМС) “Хўжалик юритувчи субъектларнинг молия-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисоби счётлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома”га амал қилинмоқда.

Жамиятнинг молиявий ҳисоботлари, Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 24.01.2003 йилда 1209-сон билан рўйхатга олинган, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2002 йил 27 декабрдаги «Молиявий ҳисобот шакллари тўғри тўлдириш тўғрисида»ги 140-сонли буйруғига асосан тўлдирилган.

Жамият бухгалтерияси барча керакли меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан, яъни журналлар, кайдномалар, дафтарлар, тасдиқланган бланкалар билан тўлиқ таъминланган.

Жамият бухгалтерия ҳисобида ҳужжатларни тузиш, қабул қилиш, сақлаш ва акс эттириш, ҳамда ҳужжатлар айланишини амалга ошириш бўйича ўрнатилган ягона тартибга, яъни Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2004 йил 14 январда 1297-сон билан рўйхатга олинган «Бухгалтерия ҳисобида ҳужжатлар ва ҳужжатлар айланиши тўғрисидаги» низом талабларига амал қилинган.

Бухгалтерия ҳисобида барча операциялар, хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган бухгалтерия ҳисобининг тегишли счётларида, тўғри ва ўзининг даврида акс эттириляётганлиги, ишончли молиявий ҳисобот тайёрлаш имкониятини таъминлаган.

Кузатишлар: Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган, 1998 йил 26 июлдаги №1-БХМС «Ҳисоб сиёсати ва молиявий ҳисобот» ва 2002 йил 9 сентябрдаги №21-БХМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби варақалари режаси»га асосан жамиятнинг “Ҳисоб сиёсати” ҳамда “Жамият бухгалтерия ҳисоби учун ҳисоб варақалари режаси” ишлаб чиқилган.

Жамиятнинг молиявий ҳисоботларининг тўғри тузилишига бош ҳисобчи маъсулдир.

Кадрлар бўлими бўйича.

Жамиятда ходимлар, меҳнат ва иш вақти ҳисоби ташкиллаштирилган. Меҳнат кодексига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосан юритилган. Шахсий таркибни ҳисобини юргизиш учун белгиланган шакллардан фойдаланилган, барча шахсий таркибни ҳаракати шу жумладан, ходимларга таътил тақдим этишлиши, бошқа ишга ўтказиши, меҳнат шартномасини бекор қилиши, кўшимча тўловларни амалга оширишини, жамият раҳбарининг буйруғи билан расмийлаштирилган. Жамият ишчи хизматчиларининг йиғма жилдлари, барча ходимларни СИТР ҳамда ИНПС гувоҳномалари жилдларда мавжуд. Шунингдек, жамиятда ишлаётган ишчи-хизматчилари тўғрисидаги маълумотни Ўзбекистон Республикаси Меҳнат вазирлигининг e-mehnat.uz расмий сайтига киритилган.

Касса операциялари ҳисоби бўйича.

Касса операциялари аудити, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни, «Солиқ кодекси», «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонуни ва №21-БХМС «Хўжалик юритувчи субъектлар молиявий-хўжалик фаолиятининг бухгалтерия ҳисоби варақалари режаси»га асосланган ҳолда ўтказилди.

Касса операцияларига биринчи имзо қуйиш ҳуқуқи жамият раҳбарига берилган, иккинчи имзо қуйиш ҳуқуқи эса бош ҳисобчи берилган.

Жамиятнинг миллий валютадаги маблағлари 5010 сонли ҳисоб варағида ва чет эл валютадаги маблағлари 5020 сонли ҳисоб варағида юритилган ва жорий йилда кирим-чиқим операциялари амалга оширилган.

Жамиятда касса операциялари бўйича барча ҳужжатлар белгиланган тартибда расмийлаштирилган.

Жамият кассасида 2023 йилда (текшириш даврида) тўсатдан инвентаризация қилиш бўйича топшириқ бўлмаган ва инвентаризация ўтказилмаган.

Жамиятнинг кассасида йил бошига касса қолдиғи 3 937 650,00 сўм, 2023 йил давомида 4 528 362 200,00 сўм нақд пул маблағи кирим қилинган бўлиб, 4 527 085 000,00 сўм маблағи чиқим қилинган, йил охирига 5 214 850,00 сўм касса қолдиғи мавжуд. Шунингдек, жамият кассасига 358 830 726,90 сўм эквивалент миқдориди валюта маблағлари кирим-чиқим қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган «Инвентаризацияни ташкил этиш» 19-сонли БХМС талаблари асосида жамият кассасида ҳар ойда инвентаризация ўтказилган.

Банк операциялари таҳлили.

Жамият ўзининг хўжалик фаолиятини амалга ошириш учун Қирғули ПСБда жорий, валюта ва махсус ҳисоб рақамларига эга. Ҳар бир банк кўчирмаларига уни тасдиқловчи электрон шаклдаги тўлов топшириқномалари ва мемерил ордерлар тўлиқ илова қилинган.

Жамиятни айланма баланс ҳисоботлари бўйича 2023 йил давр боши ва охирига банк ҳисоб рақам қолдиқлари қуйидагича бўлган.

Жумладан:

Счёtlар	Наименование	01.01.2023 йил бошига қолдиқ		31.12.2023 йил охирига қолдиқ	
		Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
5100	СЧЕТА УЧЕТА ДЕНЕЖНЫХ СРЕДСТВ НА РАСЧЕТНОМ СЧЕТЕ	271 717 357,04		796 865 984,50	
5110	Расчетный счет	271 717 357,01		796 865 984,47	
5114	Счет от продажи ацетатных нитей	0,03		0,03	
5200	СЧЕТА УЧЕТА ДЕНЕЖНЫХ СРЕДСТВ В ИНОСТРАННОЙ ВАЛЮТЕ	231 420 827,98		874 158 175,25	
5234	Валютный счет Қирғули ПСБ (доллары США)	231 420 827,98		874 158 175,25	
5235	Валютный счет Қирғули ПСБ (ЕВРО)	0		0	
5236	Валютный счет Қирғули ПСБ (Российский рубль)	0		0	
5238	Валютный счет Қирғули ПСБ (ГБП фунт стерлинговый)	0		0	

Жамиятнинг бу кўрсаткичлари 31.12.2023 йил ҳолатидаги банк кўчирма маълумотларига мос келади.

Жамиятни корпоратив банк картаси ҳисобини юритиш.

Жамиятда томонидан фойдаланилаётган корпоратив банк картасининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2021 йил 3 апрелда 3294-сон билан рўйхатга олинган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк карталарининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари тўғрисидаги» Низомга асосан юритилади.

Раҳбар

Аудитор

6

Низомнинг 19-қисми 6-бандида “Корпоратив банк картасининг сақловчиси корпоратив банк картасини ҳисобдорликка олган кундан бошлаб 10 кундан кечиктирмаган ҳолда корпоратив банк карталари воситасида ишлатилган маблағлар тўғрисида юридик шахснинг бухгалтериясига ҳисобот тақдим этади” деб белгиланган. Жамиятда бу талабларни баъзи қисмларига риоя қилинмаган ҳолатлари мавжуд. Жамиятда корпоратив карта бўйича ҳисоботлар ҳар ойда тузилган.

Жамиятнинг корпоратив пластик карта ҳисоботи бўйича 5540 ҳисоб варағида йил давомида (айланма) туширилган маблағ 1 856 712,0 минг сўмни ва жамиятни харажатлари учун ишлатилган маблағ 1 817 745,0 минг сўмни ташкил қилади.

Бу кўрсаткичлар банк ва айланма баланс ҳисоботи кўрсаткичлари билан мос келади.

Жамиятнинг асосий воситалари бўйича.

Асосий воситаларнинг аудити, Ўзбекистон Республикасининг «Фуқаролик Кодекси», «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонун, «Солиқ кодекси», 5-сонли «Асосий воситалар» БҲМС ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда ўтказилди.

Жамият томонидан тақдим қилинган бухгалтерия баланси маълумотлари бўйича 31.12.2023 йил ҳолатига асосий воситаларни бошланғич қиймати 2 301 860 695,00 минг сўм, жамғарилган эскириш суммаси 1 560 246 668,00 минг сўмни акс эттирилган.

Жамият томонидан тақдим қилинган айланма баланс ҳисоби бўйича 2023 йил давомида асосий воситалар ҳисоб-варағи айланмаси қўйидагича бўлган;

Счётлар	01.01.2023 йил бошига қолдик		Йиллик айланма		31.12.2023 йил охирига қолдик	
	Дебет	КТ	Дебет	Кредит	Дебет	КТ
	0120	648 310 814 903,41		41 214 499 442,06	14 364 170 494,76	675 161 143 850,71
0130	1 420 706 951 006,58		159 227 796 823,75	39 954 120 650,50	1 539 980 627 179,83	
0140	3 468 192 535,34		166 330 682,00	116 630 976,53	3 517 892 240,81	
0150	4 847 436 429,13		296 917 086,01	262 183 062,83	4 882 170 452,31	
0160	61 085 196 026,44		7 389 176 572,92	5 035 685 369,08	63 438 687 230,28	
0180	422 197 698,97		55 288 331,24	17 161 930,70	460 324 099,51	
0190	9 058 829 147,75		2 026 708 622,35	1 618 251 355,06	9 467 286 415,04	
0199	4 952 563 370,12				4 952 563 370,12	
ж а м и	2 152 852 181 117,74		210 376 717 560,33	61 368 203 839,46	2 301 860 694 838,61	0

Жамият томонидан тақдим қилинган бухгалтерия балансининг 010-сатрида 2023 йил охирига асосий воситаларининг бошланғич қиймати (яхлитланган ҳолда) 2 301 860 695,0 минг сўм акс эттирилган.

Жамиятдаги Асосий воситалар ҳар йили йил бошига қайта баҳоланиб, уларнинг қайта баҳоланган суммалари к-т «8510» ҳисоб варақларда йиғиб келинган. Асосий воситалар ҳисобдан чиқарилаётганда уларнинг қайта баҳоланган суммаси ҳам ҳисобдан чиқарилмоқда.

Кузатишлар: Тақдим қилинган молиявий ҳисоботлар билан жамият бухгалтериясида юритилган айланма баланс маълумотлари ўртасида фарқ аниқланди. Жамиятнинг мол-мулк солиғи ҳисоботида акс эттирилган, Қашқадарё вилоятида мавжуд мол-мулк қиймати асосий воситалар таркибида мавжуд эмас. Таҳлилда аниқланишича бу жамиятнинг дебиторлик ҳақи эвасиган олинган бино-иншоотлардан иборат бўлиб, кириш ҳужжатлари тулик

расмийлаштирилмаганлиги сабабли, асосий воситалар таркибида акс эттирилмаганлиги аниқланди.

Тавсиялар: Юқоридаги ҳолат бўйича кирим ҳужжатларни расмийлаштириб, асосий воситалар (бино-иншоотлар) таркибига тузатиш бериш тавсия қилинади. Бу корхона томонидан топшириладиган фойда солиғига бевосита таъсир қилиши инobatга олинishi лозим.

Асосий воситалар учун эскириш Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодексида ва жамият “Ҳисоб сиёсат”да белгиланган меъёрлар асосида ҳисобланган бўлиб, 2023 йил давомида асосий воситаларнинг эскириш ҳисоб-варағи айланмаси қўйидагича бўлган.

(сўмда)

Счёт лар	01.01.2023 йил бошига қолдиқ		Йиллик айланма		31.12.2023 йил охирига қолдиқ	
	Дт	Кредит	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
0220		282 852 410 890,13	6 116 478 511,61	41 374 715 054,62		318 110 647 433,14
0230		1 032 663 103 541,30	33 297 144 641,89	181 105 602 428,93		1 180 471 561 328,34
0240		3 065 324 747,10	114 708 877,24	383 036 891,09		3 333 652 760,95
0250		3 252 404 226,33	210 600 612,03	614 410 438,73		3 656 214 053,03
0260		36 587 442 991,80	4 942 140 322,90	9 354 302 254,65		40 999 604 923,55
0280		206 047 807,14	12 535 489,90	93 688 638,05		287 200 955,29
0290		8 232 730 947,41	1 452 113 495,14	2 166 783 956,88		8 947 401 409,15
0299		4 440 385 261,58				4 440 385 261,58
жами	0	1 371 299 850 412,79	46 145 721 950,71	235 092 539 662,95	0	1 560 246 668 125,03

Тақдим қилинган молиявий ҳисоботлар билан жамият бухгалтериясида юритилган айланма баланс маълумотлари ўртасида асосий воситаларининг эскириш ҳисоб варағида акс эттирилган суммалар ўртасида фарқ аниқланмади. Жамият томонидан тақдим қилинган бухгалтерия балансининг 011-сатрида 2023 йил охирига асосий воситаларининг жамланган эскириши (яхлитланган ҳолда) 1 560 246 668,00 минг сўм акс эттирилган.

Ўзбекистон Республикаси 5-сонли БҲМСнинг 1-бўлим 4-бандида асосий воситалар таркибига олиш мезонлари кўрсатилган бўлиб, унга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси (харид пайтида) белгиланган энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг эллик бараваридан ортиқ бўлган, фойдали хизмат муддати бир йилдан ортиқ бўлган (хар икки мезонга бир вақтда жавоб бериши лозим) активлар асосий воситалар сифатида тан олинishi белгилаб қўйилган.

Тавсиялар: Жамият томонидан 5-сонли БҲМСнинг 1-бўлим 4-бандида ва жамият “Ҳисоб сиёсати” талабларига мос келмайдиган активларни асосий воситалар таркибидан “Фойдаланишдаги хўжалик инвентарлари ва жиҳозлар” сифатида тан олиш, ҳамда балансдан ташқари 014 сонли счётда (моддий жавобгар шахслар бўйича) аналитик ҳисобини юритиш тавсия қилинади.

5-сон БҲМС нинг «Асосий воситаларни қайта баҳолаш» бўлимининг 24 бандида асосий воситаларни қайта баҳолаш-асосий воситалар объектларининг тиклаш қийматини ҳозирги бозор нархлари даражасига мослаштиришдир, деб айтилган. Шунинг учун, жамиятдаги асосий воситаларнинг ҳисбларини юритишда стандарт талабларига ҳам эътибор қаратишни тавсия қиламиз.

5-сон БҲМСнинг 21-бандида Асосий воситаларнинг бухгалтерия ҳисобига қабул қилинган қиймати Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ва мазкур стандартда белгиланган ҳолатлардан ташқари ҳолларда ўзгартирилмаслиги ёзиб қўйилган. Шунинг учун

жамиятдаги асосий воситаларнинг ҳисобларини юритишда стандарт талабларига ҳам эътибор қаратишни тавсия қиламиз.

Изоҳлар:

1. Акс холда, мол-мулк солиғини нотўғри ҳисобланишига ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар таннархини нотўғри шаклланишига сабаб бўлиб, фойда, солиғининг нотўғри ҳисобланишига ҳамда жамият томонидан йил якуни бўйича тузиладиган молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботларни нотўғри ҳисоблашга олиб келади.

2. Солиқ кодекснинг 180-моддасида қўйидагилар белгиланган; “Битимлар бўйича даромадлар суммасини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси битимлар бўйича олинган даромадлар суммасини уларнинг бозордаги даражасига мувофиқлигини текширишга ҳақли”.

3. Жамият асосий воситалар таркибидан транспорт воситалар ҳисобдан чиқарилган. Янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг 176-202 моддаларида Трансферт нархни белгилаш тўғрисидаги умумий қоидалар белгиланган бўлиб, келгусида шу тартиб асосида асосий воситаларни (транспорт воситаларини) ҳисобдан чиқаришда (реализация қилишда) қайта баҳолаш ишларини амалга оширилган. Қайта баҳолаш ишларини амалга оширилмаса солиқ оқибатлари мавжуд бўлади.

Номоддий активлар бўйича

Жамият томонидан Давлат солиқ органларига тақдим қилинган бухгалтерия балансида номоддий активлар ҳисоб варағида 01.01.2023 йил ҳолатига (бухгалтерия балансининг 020 сатри) 4 311 099,00 минг сўм, жамғарилган эскириши 518 490,00 минг сўм қолдиқ қиймати 3 792 609,00 минг сўмни ташкил қилиши акс эттирилган. 31.12.2023 йил ҳолатига мос равишда баланснинг 020 сатрида 3 851 830,00 минг сўм қолдиқ акс эттирилган. Номоддий активларнинг жамғарилган жами эскириши миқдори 555 554,00 минг сўм бўлиб, жорий йилнинг охирига қолдиқ қиймати 3 296 286,00 минг сўмни ташкил этган.

Номоддий активлар ҳисоб варағида программа, патент, лицензия ва ноу-хау, франчайиз, гудвилл ва бошқа номоддий активлар ҳисоби юритилган.

Жамият томонидан тақдим қилинган айланма баланс маълумотлари бўйича номоддий активларнинг бошланғич қийматининг ҳаракати қўйидагича бўлган.

(сўмда)

Счётлар	01.01.2023 йил бошига қолдиқ		Йиллик айланма		31.12.2023 йил охирига қолдиқ	
	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
0410	147 898 031,72		13 000 000,00		160 898 031,72	
0420	31 664 127,25				31 664 127,25	
0430	437 351 247,43		1 354 823 627,88		1 792 174 875,31	
0480	3 654 185 425,72			1 827 092 700,00	1 827 092 725,72	
0490	40 000 000,00				40 000 000,00	
ж а м и	4 311 098 832,12		1 367 823 627,88	1 827 092 700,00	3 851 829 760,00	

Жамият балансида мавжуд номоддий активларга амалдаги тартиб қоидалар асосида эскириш ҳисобланган бўлиб, 0500-ҳисоб-варағининг 2023 йил йиллик айланмаси қўйидагича бўлган.

(сўмда)

Счётлар	01.01.2023 йили бошига қолдиқ	Йиллик айланма	31.12.2023 йил охирига қолдиқ
---------	-------------------------------	----------------	-------------------------------

Рахбар _____

Аудитор _____

	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
0510		78 424 935,78		25 575 480,49		104 000 416,27
0520		11 025 604,54		3 166 412,76		14 192 017,30
0530		429 039 247,43		8 312 000,00		437 351 247,43
ж а м и	0	518 489 787,75		37 053 893,25		555 543 681,00

Тавсиялар: Жамиятнинг номоллий активлар таркибида маънавий ва тўлик эскирган 96 600, 0 минг сўмлик Программное обеспечен-1С (Внедрение системы 1С77,Microsoft Excel) мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда фойдаланилмаётганлиги туфайли ҳисобдан чиқариш чораларини кўриш тавсия қилинади.

Узоқ муддатли инвестициялар бўйича

Узоқ муддатли инвестициялар ҳисоб варағида 01.01.2023 йил ҳолатига 51 080 880,00 минг сўм, 31.12.2023 йил ҳолатига 3 249 411,00 минг сўм қолдиқ кўрсатилган. Бу “Фарғонамеломин” МЧЖга киритилган инвестициядан иборат бўлиб бирламчи ҳужжатлар билан тасдиқланади.

Ўрнатиладиган асбоб-ускуналар бўйича

Жамият балансида ўрнатиладиган асбоб-ускуналар қолдиғи 01.01.2023 йил ҳолатига 20 140 847,98 минг сўм, 31.12.2023 йил ҳолатига 9 694 732,04 минг сўм акс этирилган. Тақдим қилинган бирламчи ҳужжатлар бўйича фарқ аниқланмади.

Тавсиялар: Жамиятда ўрнатиладиган асбоб-ускуналар муддатида фойдаланишга олишни назоратга олиш лозим.

Капитал қўйилмалар бўйича

Капитал қўйилмалар ҳисобида 01.01.2023 йил ҳолатига 12 545 549,45 минг сўм 31.12.2023 йил ҳолатига 8 852 928,01 минг сўм қолдиқ мавжуд бўлиб, бундан;

-0810 «Тугалланмаган қурилиш» ҳисоб варағида 31.12.2023 йил ҳолатига қолдиқ 8 833 174,92 минг сўмни;

-0820 “Асосий воситаларни сотиб олиш” ҳисоб варағида 31.12.2023 йил ҳолатига қолдиқ 19 753,09 минг сўмни ташкил этган.

Изоҳ: Амалдаги СКнинг 411 моддаси (солиқ базаси), 415 модда (солиқ ставка) солиқ солиш базаси акс этирилган. Қурилиши тугалланмаган объектларга қурилиш объектига доир лойиҳа-смета ҳужжатларида белгиланган норматив муддатда қурилиши тугалланмаган объектлар, агар қурилишнинг норматив муддати белгиланмаган бўлса, ушбу объектнинг қурилишига ваколатли бўлган органнинг рухсатномаси олинган ойдан эътиборан йигирма тўрт ой ичида қурилиши тугалланмаган объектлар қиради. Юқоридагиларга асосан тугалланмаган қурилиш ҳисобварағида акс этирилган қолдиқ суммаларга алоҳида эътибор қаратилиш тавсия этилади.

Узоқ муддатли дебиторлик қарздорлик ва ва кечиктирилган харажатлар бўйича.

Жамиятнинг ушбу ҳисоб варақ ҳисобида 01.01.2023 йил ҳолатига 110 567 468,0 минг сўм, 31.12.2023 йил ҳолатига 109 769 577,5 минг сўм қолдиқ мавжуд. Бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари билан тасдиқланади.

Жамиянинг хом-ашё материаллар бўйича.

«Товар-моддий захиралар» бухгалтерия ҳисобини юритилиши аудити, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни, «Солиқ кодекси», «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонуни, «Товар-моддий захиралар» 4-сонли “Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти” ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда ўтказилди.

Жамиятда хом-ашё материаллар ҳисоби “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” қонун ва 4-сонли БҲМС талаблари асосида юритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган 19-сонли БҲМС «Инвентаризацияни ташкил этиш» талаблари асосида ТМЗлар инвентаризация ўтказилган.

Материаллар ҳисобда 01 январь 2023 йил ҳолатига 312 210 251,09 минг сўм, 31 декабрь 2023 йил ҳолатига эса 343 263 340,52 минг сўм қолдиқ кўрсатилган.

Жамиятнинг ҳисобхонасида «Хом-ашё материаллар» ҳисобини юритиш учун қуйидаги ҳисоб варақлар очилган.

1010	Сырье и материалы
1011	Платиноидные сетки в производстве
1012	Катализаторы в производстве
1013	Драгметаллы на складе
1014	Драгметаллы на ответственном хранении
1016	Продукты питания (ОРП)
1030	ГСМ
1031	ГСМ (в производстве)
1040	Запасные части
1050	Строительные материалы
1051	Строительные материалы. Импорт
1060	Тара и тарные материалы
1070	Материалы, переданные в переработку на сторону
1071	Материалы переданные на ответственное хранение
1080	Инвентарь и хозяйственные принадлежности в складах
1081	Инвентарь и хозяйственные принадлежности в цехах
1090	Прочие материалы
1091	Семена и корма
1093	Прочие материалы (металлолом)
1094	Прочие материалы (Сельскохозяйственные продукты)
1095	Прочие материалы (опытная партия)

Тавсиялар:

1. Жамиятда Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган «Инвентаризацияни ташкил этиш» 19-сонли БҲМС талаблари асосида «Товар-моддий захиралар»ни инвентаризациядан ўтказиш ва ҳаракатсиз турган ноликвид товар моддий бойликлари ҳисобдан чиқариш ва камайтириш чораларин кўриш лозим.

2. Солиқ кодекснинг 180-моддасида қуйидагилар белгиланган; “Битимлар бўйича даромадлар суммасини аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси битимлар бўйича олинган даромадлар суммасини уларнинг бозордаги даражасига мувофиқлигини текширишга ҳақли”.

Жамиятда ТМЗлар ҳисобдан чиқарилган. Янги тахрирдаги Солиқ кодексининг 176-202 моддаларида Трансферт нархни белгилаш тўғрисидаги умумий қоидалар белгиланган бўлиб, келгусида шу тартиб асосида ТМЗларни ва иккиламчи материалларни ҳисобдан чиқаришда (реализация қилишда) доимий қайта баҳолаш ишларини амалга ошириш лозим. Қайта баҳолаш ишларини амалга оширилмаса солиқ оқибатлари мавжуд бўлади.

3.Жамиятнинг 1012 “Ишлаб чиқаришдаги катализаторлар” ҳисоб варағида маҳсулот ишлаб чиқариш учун ишлатиладиган катализаторлар ҳисоби БХМС асосан тўғри юритилган.

Изоҳ: Аслида бу катализаторлар ҳам ашё материаллар хусусиятига эга эмас.Жамиятнинг ушбу ҳисоб варақдаги қолдиқлар оборот маблағи ҳисобланмайди, балки хусусияти жиҳатдан узок муддатли активлар ҳисобланади. Жамиятнинг халқаро молиявий ҳисоботларини тузишда ушбу ҳолатларни инобатга олиш тавсия қилинади.

Жамиятнинг ярим тайёр маҳсулот, тайёр маҳсулот ва товар захиралари бўйича

«Товар-моддий захиралар» (ТМЗ) бухгалтерия ҳисобини юритилиши аудити, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонун, «Солиқ кодекси», «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги қонун, «Товар-моддий захираалар» 4-сонли “Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти” ва бошқа меъёрий ҳужжатларга асосланган ҳолда ўтказилди.

Жамиятда товар моддий захиралар ҳисоби “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида” қонун ва 4-сонли БХМС талаблари асосида юритилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган «Инвентаризацияни ташкил этиш» 19-сонли БХМС талаблари асосида ТМЗлар инвентаризация ўтказилган.

Жамиятнинг ТМЗлар ҳисобда 01 январь 2023 йил ҳолатига 140 300 247,55 минг сўм, 31 декабрь 2023 йил ҳолатига эса 460 300 196,98 минг сўм қолдиқ кўрсатилган.

Жамиятнинг ҳисобхонасида ТМЗлар ҳисобини юритиш учун қуйидаги ҳисоб варақлар очилган.

Счётлар	01.01.2023 йил бошига қолдиқ		31.12.2023 йил охирига қолдиқ	
	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
2310	553 645 823,74		292 939 839,79	
2311				
2810	26 073 589 164,28		121 000 715 331,22	
2811	12 911 793 833,57		26 872 693,11	
2830	70 876 913,66		14 381 992,73	
2840	49 658 714 055,15		216 836 848 235,23	
2850	41 516 739 489,01		112 485 223 617,86	
2910	8 949 822 420,73		8 949 822 420,73	
2970	565 065 852,23		693 392 857,14	

ж а м и	140 300 247 552,37	460 300 196 987,81
---------	--------------------	--------------------

Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан рўйхатга олинган «Инвентаризацияни ташкил этиш» 19-сонли БХМС талаблари асосида ТМЗлар инвентаризация ўтказилган.

Келгуси давр харажатлари бўйича

Жамиятнинг “Келгуси давр харажатлари” ҳисоб варағида 2023 йил бошига қолдиқ 4 709 569,89 минг сўм, жорий йил охирига 11 043 851,36 минг сўмни ташкил қилган. «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги» қонуннинг 18-моддаси “Даромадлар ва харажатлар тўланган вақти ва пул келиб тушган санадан қатъи назар, қайси даврга тааллуқли бўлса, ўша ҳисобот даврида бухгалтерия ҳисоби стандартларига мувофиқ акс эттирилади” деб белгиланган.

«Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб-китоблар» бўйича.

Ҳисобдор шахслар билан ҳисоб китоблар, «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги қонуни, «Солиқ кодекси», 21-сонли “Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти”, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2022 йил 2 августдаги 424-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги хизмат сафарлари тўғрисида”ги Низом ва Республика ташқарисига хизмат сафарига борган ходимларга, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 19.11.2015 йилда 2730-сон билан рўйхатга олинган, Молия вазирлигини 19.10.2015 йилдаги 92-сонли буйруғи асосида тасдиқланган Низом талабларига асосан амалга оширилган.

Жамиятда 2023 йил давомида ҳисобдор шахсларга хизмат сафари харажатлари учун жами 326 433,4 минг сўм маблағлар чиқим қилинган бўлиб, 326 433,4 минг сўмлик харажатларни тасдиқловчи бирламчи ҳужжатлар ҳисобдор шахслар томонидан жамият ҳисобхонасига тақдим этилган.

Шунингдек, жамият томонидан умумхўжалик фаолиятида зарур бўладиган кечиктирилмайдиган харажатлар учун ҳисобдор шахсларга жами 1 847 439,97 минг сўмлик маблағлар чиқим қилинган бўлиб, ҳисобдор шахслар томонидан сарф этилган 1 847 439,97 минг сўмлик харажатларни тасдиқловчи ҳужжатлар жамият ҳисобхонасига тақдим этилган.

Дебиторлик ва кредиторлик қарзлар бўйича.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12.05.1995 йилдаги ПФ-1154 ва 19.07.1999 йилдаги ПФ-2340 Фармонларига кўра «Товарлар етказиб берилган, хизматлар кўрсатилган, ишлар бажарилган кундан бошлаб тўксон кун ўтганидан кейин етказиб берилган товарлар, бажарилган ишлар ҳамда кўрсатилган хизматлар учун маблағлар келиб тушмаганлиги муддати ўтган дебиторлик қарзи» деб ҳисобланади.

Жамиятда муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари мавжуд. Жамиятда мавжуд муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ўндириш (ҳисобдан чиқариш) чораларини кўриш тақлиф қилинади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 19.07.1999 йилдаги 347-сонли фармонида асосан хўжалик юритувчи субъектлар тўлов муддати ўтказиб юборилган дебиторлик ва кредиторлик қарзларни ҳар чорақда ўзаро солиштириб чиқишга мажбурдирлар.

Қарзларни ўз вақтида ва тўлиқ солиштириб чиқиш юзасидан шахсан жавобгарлик хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарлари зиммасига юклатилади;

Шунинг учун барча корхоналар билан ўзаро солиштирма далолатномалар тузиб борилса, мақсадга мувофиқ бўлади. Муддати ўтказиб юборилган дебиторлик қарзларни ундириш юзасидан чора тадбирлар кўрмаганлик, шу жумладан хўжалик судида даъво қўзғатмаганлик махсулот етказиб берувчи корхоналарнинг раҳбарларини ва мансабдор шахсларини конун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка тортиш учун асос бўлади.

Жамиятнинг 4000-4300-4800 ҳисоб варақларида акс эттирилган қолдиқлар қўйидагича бўлган.

Счётлар	01.01.2023 йил бошига қолдиқ		31.12.2023 йил охирига қолдиқ	
	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
4010	59 461 262 569,49		92 830 807 356,86	
4011	10 548 510 576,98		8 468 511 426,98	
4012	15 289,99			
4013	1 572 215 824,66		883 536 380,67	
4310	23 755 684 602,16		6 156 685 521,86	
4311	3 908 649 463,94		1 241 779 621,06	
4312	73 821 925,76		367 004 131,55	
4313			23 210 688 983,76	
4820	481 825 431,64		574 571 012,84	
4890	2 822 913 601,39		939 753 717,29	
4891	1 569 686,59		1 549 526 153,51	
жамн	102 626 468 972,60		136 222 864 306,38	

Тавсиялар: Жамиятнинг 4010 “Харидор ва буюртмачилардан олинадиган счётлар” ҳисоб варағи таҳлил қилинганда 5 та корхона бўйича 46 608 995,3 минг сўмлик муддати ўтган суд қарори чиқарилган қолдиқ мавжуд. Ушбу сумма ҳалқаро амалиёт бўйича даргумон қарз деб баҳоланиб ҳисобдан чиқарилиши ва 4900 “Даргумон қарзлар бўйича резервни ҳисобга олувчи счётлар” ҳисоб варақаси орқали тузатиш бериш тавсия қилинади.

Жамиятнинг 6000-6300-6900 ҳисоб варақларида акс эттирилган қолдиқлар қўйидагича бўлган.

Счётлар	01.01.2023 йил бошига қолдиқ		31.12.2023 йил охирига қолдиқ	
	Дебет	Кредит	Дебет	Кредит
6010		7 693 077 600,11		54 168 671 336,04
6011		848 387 318,00		3 431 862 060,29
6012		1 120 754 801,81		15 349 992,12
6013		1 344 266 571,23		
6310		2 011 854 018,41		3 111 076 789,61
6311				
6312		65 229 676,23		65 337 031,58
6313		162 617 348,29		123 857 588,71
6390				
6910		182 938 035,05		139 762 532,54
6920				605 668 493,15

6970		46 239 912,59		84 769 663,59
6990		10 447 851 330,58		12 222 254 748,51
6991				1 494 774 922,52
6992				722 961 478,81
жами		23 923 216 612,30		76 186 346 637,47

Даргумон қарзлар бўйича резервни ҳисобга олувчи счётлар бўйича.

Жамиятда ҳалқаро амалиётда қўлланиладиган “Даргумон қарзлар бўйича резервни ҳисобга олувчи счётлар” 4910-4911 ҳисоб варағида юритилган.

4910 “Даргумон қарзлар бўйича резервни ҳисобга олувчи счётлар” ҳисоб варағида 2023 йил бошига қолдиқ 68 254 754,7 минг сўм йил охирига 63 782 270,9 минг сўмни ташкил қилган. Жорий йил давомида ушбу 4910-4911 ҳисоб варақлар бўйича 6 996 555,5 минг сўмга бухгалтерия ўтказмаси берилган. Ушбу ўтказма таҳлил қилинганда ҳисобдан чиқарилган даргумон қарзлар бўйича келиб тушган маблағлардан иборатдиги маълум бўлди.

Кузатишлар: Жамият томонидан 2023 йил давомида дебиторлик ва кредиторлик қарзларни бўйича солиштириш ишлари олиб борилган. Муддати ўтган дебиторлик ва кредиторлик қарзлари ҳисобдан чиқариш ишлари олиб борилган.

Тавсиялар: Ушбу суммага жамиятнинг ўтган йиллар жамғарилган тақсимланмаган фойдасига тузатиш бухгалтерия ўтказмаси бериш тавсия қиланади.

Берилган қисқа муддатли қарзлар бўйича.

Жамиятнинг 5820 “Берилган қисқа муддатли қарзлар” ҳисоб варағининг 01.01.2023 йил ҳолатига қолдиғи 67 494 197,7 минг сўм, жорий йилда берилган қарзлар суммаси 52 993 764,4 минг сўм, жорий йилда қайтиб олинган қарзлар суммаси 4 902 331,9 минг сўм ташкил қилиб, йил охирига қолдиқ 115 585 630,2 минг сўмдан иборат бўлган.

Бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари билан тасдиқланади.

Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар бўйича.

Жамиятнинг 5910 “Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар” ҳисоб варағининг 01.01.2023 йил ҳолатига қолдиғи 3 786 849,37 минг сўм, жорий йилда берилган аниқланган камомадлар суммаси 2 819 450,72 минг сўм, жорий йилда копланган камомалар суммаси 152 975,65 минг сўм ташкил қилиб, йил охирига қолдиқ 6 453 324,44 минг сўмдан иборат бўлган. Бирламчи бухгалтерия ҳужжатлари билан тасдиқланади.

Тавсиялар: Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар ҳисоб варағи қолиғи бўйича қуйидаги тавсияга асосан тузатиш бухгалтерия ўтказмалари бериш тавсия қилинади.

Инвентаризацияда аниқланган ТМЗ камомадини ҳақиқий (баланс) қиймати бўйича ҳисобдан чиқариш ва бухгалтерия ҳисобида қуйидаги тартибда акс эттириш лозим:

Хўжалик операциясининг мазмуни	Счётлар корреспонденцияси	
	дебет	кредит
Камомад акс эттирилди	5910-"Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар"	1000

Агар камомаднинг айбдорлари аниқланган бўлса		
Айбдор шахсларнинг моддий зарарни қоплаш бўйича қарзи акс эттирилди	4730-"Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи"	5910-"Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар"
Айбдор шахслардан ундирилиши лозим бўлган етишмаётган материалларнинг бозор қиймати ва етишмаётган материалларнинг ҳақиқий қиймати ўртасидаги фарқ акс эттирилди: <input type="checkbox"/> бозор қиймати ҳақиқий қийматидан юқори; <input type="checkbox"/> бозор қиймати ҳақиқий қийматидан паст;	4730-"Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи" 9430-"Бошқа операцион харажатлар"	9320-"Бошқа активларнинг чиқиб кетишидан фойда" 5910-"Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар"
Ундирилиши лозим бўлган камомад суммаси айбдор шахсларнинг иш ҳақидан ушлаб қолинди	6710-"Меҳнат ҳақи бўйича ходим билан ҳисоблашишлар"	4730-"Моддий зарарни қоплаш бўйича ходимларнинг қарзи"
Агар камомаднинг айбдорлари аниқланмаган бўлса ёки моддий жавобгар шахслардан зарарни ундиришнинг имкони бўлмаса		
Камомад суммаси зарарларга ҳисобдан чиқарилди	9430-"Бошқа операцион харажатлар"	5910-"Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар"
Агар камомадни етказиб берувчи ёки ташувчидан ундириш мумкин бўлса		
Етказиб берувчи ёки ташувчидан ундирилиши лозим бўлган камомад суммаси акс эттирилди	4860-"Даъволар бўйича олинадиган счётлар"	5910-"Камомадлар ва қийматликларнинг бузилишидан йўқотишлар"

«Иш ҳақи ҳисоби» бўйича .

Жамиятда иш ҳақи тасдиқланган штатлар жадвалига ва иш вақтини ҳисобга олиш табелларига асосан тўланмоқда. Ишчи ва хизматчилар билан ҳисоб китобларни бўлим ҳисобчилар томонидан амалга оширилган. Жамият ҳисобхонасида иш ҳақи ҳисобланиши "1С" бухгалтерия программа дастурида юритилган.

Жамиятнинг 2023 йил 1 январь ҳолатига иш ҳақидан қарздорлик баланс ҳисоботида 13 749 737,81 минг сўми ва 31 декабрь ҳолатига 3 620 677,02 минг сўми ташкил этади.

Жамият томонидан 2023 йил давомида ишчи-хизматчиларга жами 386 991 160,84 минг сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар ҳисобланган. Ҳисобланган мазкур тўловлардан жами амалдаги солиқ ставкалари бўйича 44 563 421,05 минг сўм иш ҳақидан даромад солиғи ҳисобланган. 2023 йил давомида ишчи-хизматчиларга жами 397 124 890,71 минг сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар тарқатилган ва бошқа мақсадлар учун ўтказиб берилган. Шунингдек, 2023 йил давомида 4 669,07 минг сўм иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар олинмаганлиги сабабли депонент ҳисоб варағига олиб ўтилган.

Ўз маблағлари манбалари.

